

РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА НИСБАТАН МАВЖУД ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Содиқова Дилафруз Асроловна

Тошкент вилояти, Зангиота тумани Ихтисослашган мактаб психологи

(dilafruz.sodiqova@gmail.uz 90-994-99-92)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14698601>

Аннотация. Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча тармоқларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотлар тегишли соҳа ва тармоқларни ривожлантириш стратегиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиши зарурий шартлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан ҳам мақолада соҳа ва тармоқларни ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишни классик моделларининг қиёсий таҳлили амалга оширилди.

Калит сўзлар: Стратегия, Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси, классик моделлари, Гарвард бизнес мактаби, Ансофф модели, форсайт технологияси, «Ўзбекистон-2035» стратегияси, «Buyuk kelajak» экспертлар кенгаши, сиёсатининг устувор йўналишлари.

Abstract. Today, large-scale reforms are being implemented in all spheres of our socio-economic life. One of the preconditions is that these reforms should be developed on the basis of development strategies for the relevant sectors and industries. In this regard, the article provides a comparative analysis of classical models for developing development strategies for industries and sectors.

Keywords: Strategy, Action Strategy, Development Strategy, classical models, Harvard Business School, Ansoff model, foresight technology, Uzbekistan-2035 strategy, Great Future Expert Council, policy priorities.

Аннотация. Сегодня во всех сферах нашей социально-экономической жизни реализуются масштабные реформы. Одним из предварительных условий является то, что эти реформы должны разрабатываться на основе стратегий развития соответствующих секторов и отраслей. В этой связи в статье проведен сравнительный анализ классических моделей разработки стратегий развития отраслей и секторов.

Ключевые слова: Стратегия, Стратегия действий, Стратегия развития, классические модели, Гарвардская школа бизнеса, модель Ансоффа, технология форсайта, стратегия «Ўзбекистан-2035», Экспертный совет «Великое будущее», приоритеты политики.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча тармоқларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотлар тегишли соҳа ва тармоқларни ривожлантириш стратегиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиши зарурий шартлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан ҳам соҳа ва тармоқларни ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишни классик моделларининг қиёсий таҳлили долзар масалалардан бири ҳисобланади.

Мисол учун, 2021-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясидан олдинги 5 йил учун қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясини кўриб чиқадиган бўлсак, унда стратегик режалаштиришни амалга оширишнинг классик моделларининг дастлабки элементларини кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

стратегияси¹ асосида иқтисодиётнинг барча тармоқларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Мамлакатимизни 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Мисол тариқасида алоқа соҳасини кўриб чиқадиган бўлсак, мазкур Фармони билан тасдиқланган стратегиянинг “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” деб номланган II-йўналишининг “Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш”га қаратилган 2.1-бўлимидаги чора тадбирлар қаторига судлар фаолиятига **замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш** вазифаси киритилган.

Шунингдек, «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган III-йўналишининг «Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш» билан боғлиқ 3.2. бўлимидаги чора-тадбирлар сирасига «бошқарув тизимига **ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш**» дек стратегик вазифа киритилган.

Юқорида қайд этилган ҳукумат қарорлари билан давлат бошқарув органлари зиммасига юкланган вазифа ва ташкилий масалалар, тармоқнинг бу даражадаги кенг кўламли фаолият йўналишларининг доираси, шунингдек асосий фаолият йўналишларидан ташқари амалга ошириладиган лойиҳаларнинг кўп тармоқли эканлиги компаниянинг ўрта ва узоқ муддатли стратегик ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш аҳамиятини янада оширади деган хулоса қилишимизга асос бўлади.

Юқорида қайд этилган ҳаракатлар стратегияси доирасида миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда “Инсон қадрли устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” ғояси асосида Янги Ўзбекистонни барпо

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947 сон Фармони

этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур стратегияни муваффақиятли амалга ошириш ҳар бир соҳани ривожлантириш бўйича тармоқ стратегик режаларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Хусусан, давлат бошқарувининг нерв тизими ҳисобланган телекоммуникация тармоқлари тизими, жумладан “Ўзбектелеком” АЖ фаолияти ҳам бундан мустасно эмас.


Амалга оширилган ретроспектив таҳлил натижалари сўнгги йилларда “Ўзбектелеком” акциядорлик жамияти фаолияти кўламининг сон ва сифат кўрсаткичлари динамик тарзда ортиб бориш тенденцияси мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг жадал инвестицион сиёсати борасидаги интилишлари ҳамда “Ўзбектелеком” АЖнинг нафақат мамлакат, балки бутун минтақанинг телекоммуникация хизматлари бозорида ишончли ва барқарор ҳамкорлик салоҳиятини тизимли равишда ошириб бориш масаласи мазкур тармоқнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегик ривожлантириш режасини ишлаб чиқишни тақозо этади.

“Ўзбектелеком” АЖнинг стратегик режасини яратишда ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишнинг классик моделлари ҳамда замонавий ёндашув сифатида кенг тарқалган форсайт технологияси сингари илмий усуллардан фойдаланишгина муваффақиятли ва рақобатбордош стратегияни ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Энди стратегик режалаштиришнинг классик моделларини кўриб чиқамиз. Фанда олимлар томонидан стратегик режалаштиришнинг 50 дан ортиқ усуллари яратилган бўлиб, улардан Гарвард бизнес мактаби, И.Ансофф, И.Стейнер, А.Томпсон ва А.Стрикленд моделлари стратегик режалаштиришнинг асосий моделлари сифатида кенг тарқалган.

Стратегик режалаштиришнинг Гарвард бизнес мактаби экспертлари томонидан ишлаб чиқилган модели мазкур илмий-тадқиқот муассасасининг муаллифлик таҳлил усули бўлган SWOT таҳлил усули асосида ишлаб чиқилганлигини кўришимиз мумкин (Расм-1).




Расм-1. Гарвард бизнес мактаби моделнинг чизмаси

Мазкур моделга кўра дастлаб тизимнинг ташқи муҳити, ички имкониятлари ва ресурсларининг салоҳияти баҳолаб чиқилади. Сўнгра тадқиқот объектининг мавжуд имкониятлар ҳамда компаниянинг ривожланиши учун нафи тегадиган ўзига хос жихатлари ва устунликлари аниқлаб чиқилади. Юқорида қайд этилган тадқиқот процедураларидан сўнг компания ривожланиш стратегиясининг лойиҳаси шакллантирилади.

Стратегия лойиҳаси унинг таркибий дастур ва лойиҳалари натижаларининг ижтимоий жавобгарлик келтириб чиқарувчи оқибатлари мавжуд эмаслигини текшириш бўйича экспертизадан ўтказилади. Қайта таҳрирланган стратегия лойиҳаси компания маъмуриятининг бошқарувни амалга оширишдаги устувор сиёсатига мутанносиблиги нуқтаи назаридан ҳам экспертизадан ўтказилади.

Ижтимоий жавобгарлик оқибатлари ҳамда маъмурият сиёсатига мутанносиблиги ишлаб чиқилган стратегиянинг муваффақиятига бевосита таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқилган стратегия лойиҳаси компания маъмурияти ва экспертларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан танланади ва баҳоланади. Агар таклиф этилаётган стратегик режа компаниянинг муайян муддатга белгиланган мақсадларига эришишини кафолат бера оладиган даражада бўлса у қабул қилиниб, амалга ошириш жараёнига ўтилади. Акс ҳолда стратегияни такомиллаштиришга қаратилган қайта ишлаш жараёнига қайтарилади.

И.Ансоффнинг стратегик режани шакллантириш модели ташқи муҳитдан тизига келаётган сигналлар таҳлилидан бошланади. Мазкур таҳлиллар асосида компанияни мақсадлари шакллантирилади. Бу мақсадларга эришиш, табиийки мавжуд ресурс салоҳиятини ҳисобга олишни тақозо этади. Шу муносабат билан компаниянинг мазкур мақсадларга эришиш учун талаб этиладиган ресурс салоҳияти баҳолаб чиқилади (2-расм).



Расм-2. И. Ансофф моделнинг чизмаси

Сўнгра компания ресурс салоҳиятининг баҳолаш натижалари, ташқи муҳитнинг мақсадларга эришиш учун ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин бўлган жihatларни инобатга олган ҳолда, таҳлил қилиб чиқилади.

Ташқи сигналлар, шакллантирилган мақсадлар, ресурс салоҳиятини баҳолаш ҳамда ташқи муҳит таъсирининг таҳлиллари уйғунлаштириш, яъни синергиялаш асосида компания стратегиясининг таркибий қисмлари ишлаб чиқилади. Компания стратегиясининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- Стратегик режа мақсади;
- Маъмурий стратегия;
- Молиявий стратегия;
- Стратегик бюджет;
- Диверсификация стратегияси;
- Бозорни кенгайтириш стратегияси.

Стратегиянинг мазкур таркибий қисмлари ишлаб чиқилганидан сўнг компания мақсади ҳамда стратегияни шакллантириш жараёни қайта таҳрирлаб чиқилади.

Акциядорлик жамияти жорий фаолиятининг жадаллашиш тенденцияси, компания инвестицион фаолиятни ривожлантириш сиёсати ҳамда компания фаолияти стратегиясини ишлаб чиқиш долзарблигининг ортиб бораётганлиги, "Ўзбектелеком" АЖ фаолиятининг истиқболли режаси ва унга эришиш йўл харитасини ишлаб чиқишда илмий асосланган классик моделларини, жумладан **форсайт технологиясини** қўллаш мақсадга мувофиқлигига яққол ишорадир.

Форсайт технологияси ўтган асрнинг 70 йилларидан буён АҚШ, Буюк Британия, Канада, Япония, сингапур ва Жанубий корей сингари ривожланган мамлакатларнинг компаниялари билан бир қаторда давлат бошқарув органлари томонидан ҳам кенг

қўлланилиб келинмоқда ва мамлакатларни истиқболли режаларига эришишларини таъминлаб бермоқда.

Форсайт технологияси футурология, илмий башорат, стратегик прогноздан фарқли равишда тизимнинг истиқболда орзу қилинган моделини шакллантириш ва унга эришиш учун зарур бўлган лойиҳалар рўйхатини ишлаб чиқиш, уларнинг иерархик кетма-кетлигидани иборат стратегик йўл харитасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали, олдиндан орзу қилинган истиқболли натижага эришишни, яъни исталган, орзу қилинган келажакни яратишни назарда тутати. Мазкур технологиянинг ўзига хос жиҳатларидан бири форсайт лойиҳасининг стратегик йўл харитаси экспертлар гуруҳлари томонидан даврий равишда таҳрир этиб борилади. Бу эса ташқи муҳитдаги ўзгаришлар шароитида мўлжалдан оғишмаслик имкониятини яратади. Соҳани орзудаги моделини соҳа фаолиятига оид халқаро индекс ва рейтингларни, уларни баҳолаш меъзонлари, мазкур меъзонлар асосида ишлаб чиқилган рейтингларда биринчи 5 таликда турган давлатлар, компаниялар эришган даражаси, тажрибаси, амалга оширган ислоҳотлари ва уларни келажакда эришмоқчи бўлган режалари асосида шакллантириш мумкин.

«Ўзбекистон-2035» стратегияси ва «Bu yuk kelajak» экспертлар кенгашларини форсайт технологиясига асосланган стратегик режалаштириш лойиҳаси сифатида тавсифлашимиз мумкин. Шулардан келиб чиққан ҳолда, Ривожланиш стратегиясини Форсайт технологияси бўйича ишлаб чиқилган стратегия, унга мос бошқарув даражалари ва уларнинг йўл хариталарини қуйидагича амалга ошириш илмий ҳулоса сифатида тавсия этилади:

1. Стратегик бошқарув даражасидаги ислоҳотлар 5 ва ундан узоқ йил муддатларга мўлжалланган портфеллар (давлат дастурлари) асосида ташкиллаштирилади ва бошқарилади;
2. Тактик бошқарув даражасидаги ислоҳотлар 1-3 йил муддатга соҳавий дастурлар асосида ташкиллаштирилади ва бошқарилади;
3. Оператив бошқарув даражасидаги ислоҳотлар 1-12 ой муддатга мўлжалланган лойиҳалар асосида ташкиллаштирилади ва бошқарилади;
4. Лойиҳаларнинг операцион бошқарув даражасидаги жараёнлари эса 1-30 кун муддатга мўлжалланган лойиҳанинг бошқарув соҳаларининг режалари асосида ташкиллаштирилади ва бошқарилади.

Ҳулоса сифатида шунини таъкидлашимизки, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси лойиҳавий ва тизимли ёндашув бўйича ҳамда форсайт технологиясига асосланган стратегик режалаштириш ва бошқариш усуллари ҳамда инструментлари асосида амалга оширилганидагина самарали бўлиши мумкин.

References:

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. –Тошкент: “O`zbekiston” нашриёти, 2023. -416 бет.
2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон / Ш.Мирзиёев. – Тошкент: “O`zbekiston” нашриёти, 2024. -512 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947 сон Фармони

4. International Data Corporation – Ахборот технологиялари ва телекоомуникация бозорини тадқиқ этишга ихтисослашган консалтинг компанияси, Фремингем шаҳри, Массачусетс штати. АҚШ.
5. Gartner, Inc. — Ахборот технологиялари бозорини тадқиқ этишга ихтисослашган консалтинг компанияси. Стэмфорд шаҳри, Коннектикут штати, АҚШ.
6. MIT Technology Review - Массачусетс технология институтининг журнали, Массачусетс штати. АҚШ.
7. Forrester Research –Ахборот технологияларини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи халқаро таҳлил агентлиги
8. <https://lex.uz/docs/6145972>
9. <https://argos.uz/uz/press-center/topic/61>
10. <https://yuz.uz/uz/newspaper?page=14>